



Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси  
Энергетика вазирлиги

**КИЧИК ҚУВВАТДАГИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН  
ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ҚУРИЛМАЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ**  
**УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ - 2023**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ

---

**Н. Рустамбеков, Н. Тилляев, Д. Халилов, Б. Донаев**

**КИЧИК ҚУВВАТДАГИ ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯ  
МАНБАЛАРИ ҚУРИЛМААЛАРИДАН  
ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ**

**УСЛУБИЙ ҚҰЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ - 2023**

## **МУНДАРИЖА**

<b>1.</b>	<b>Кириш</b>	<b>4</b>
<b>2.</b>	<b>Умумий қоидалар</b>	<b>5</b>
<b>3.</b>	<b>Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари</b>	<b>7</b>
<b>4.</b>	<b>Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасида давлат ҳисоби</b>	<b>9</b>
<b>5.</b>	<b>Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш</b>	<b>11</b>
<b>6.</b>	<b>Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ўз маблағи ёки тижорат банклари кредитлари ҳисобидан сотиб олиш ва ўрнатиш учун харажатларнинг бир қисмини компенсация қилиш</b>	<b>13</b>
<b>7.</b>	<b>Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш</b>	<b>15</b>
<b>8.</b>	<b>Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари (<i>рўйхат</i>)</b>	

## **КИРИШ**

Кичик қувватдаги қайта тикланадиган энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш тартиби бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда - Қўлланма деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Қўлланма қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш тартиби, мазкур қурилмаларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланганлик учун давлат кафолатлари ва рағбатлантириш бўйича қонунчилик талабларига мувофиқ тартибда амалга оширишнинг **ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мазкур соҳадаги кўникмаларини ошириш мақсадида ишлаб чиқилди.**

**Қўлланмани очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.**

Қонунчилик хужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Қўлланманинг янгилangan санасига эътибор қаратиш лозим.

Қўлланма ишлаб чиқилган сана: **15.08.2023 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.** Ушбу қўлланма кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбалари (ҚТЭМ) қурилмаларидан фойдаланиш тартиби, мазкур қурилмаларни ҳисобга олиш ва улардан фойдаланганлик учун давлат кафолатлари ва рағбатлантиришни қўллаш амалиётини тартибга солади.

**2.** Қўлланма жисмоний ва юридик шахслар ҳамда мутасадди идоралар учун кундалик фаолиятида методик қўлланма вазифасини ўтайди.

**3.** Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**қайта тикланувчи энергия манбалари** — атроф-муҳитда табиий ҳолда қайта тикланувчи қуёш, шамол энергияси, ер ҳарорати (геотермал), сув оқимларининг табиий ҳаракати, биомасса энергияси;

**қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари** — қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, энергияни қабул қилиб олиш, ўзгартириш, тўплаш ва (ёки) узатиш, шунингдек ҳисобга олиш бўйича технологик асбоб-ускуналар мажмуаси, технологик ва (ёки) бутловчи асбоб-ускуналар;

**кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари** — чиқиш қуввати 1 МВт гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари;

**қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш** — илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, қидирув, жорий этиш, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари ва фойдаланишга доир ишлар, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқариш, уни ташиш, тўплаш, реализация ва истеъмол қилиш билан боғлиқ фаолият;

**қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар** — қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган юридик шахслар;

**скоринг тизими** — «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси ҳамда бошқа ташқи тизимларга интеграция қилинган ҳолда автоматик маълумот алмашиш орқали ариза берувчи, биргаликда тўловчи ва кафилнинг даромадлари, кредит юкламаси, кредит тарихи ва бошқа шу каби омилларга таалуқли маълумотларни онлайн олиш имконини берувчи тизим;

**компенсация** — қурилмани сотиб олиш ва ўрнатиш харажатларининг бир қисмини ишлаб чиқарувчига Республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Энергетика вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси орқали тўлаб бериш;

**фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш** — қурилма қийматини 36 ойгача муддат давомида фоизсиз тенг миқдорда тўлаш шарти билан тўловларни амалга ошириш;

**QR-кодли чек** — сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун ҳисоб-китобларни амалга оширишдаги фискал белгили чек;

**блок-станция** — истеъмолчиларнинг ягона электр энергетикиси тизимига бевосита ёки истеъмолчилар электр тармоғи орқали уланган ҳамда оператив-диспетчерлик бошқаруви тизимига кирадиган электр станцияси ҳисобланади;

**савдо агенти** — ишлаб чиқарувчининг маҳсулотларини чакана йўл билан ёки кичик партияларда сотиш, ўрнатиш ва сервис хизмати кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти;

**қурилмани етказиб берувчи** — маркетплейс тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, ариза берувчи томонидан танланган қурилмаларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш ва ўрнатиш фаолияти билан шуғулланувчи ишлаб чиқарувчи ёки унинг савдо агентлари;

**маркетплейс тизими** — Платформада қурилмаларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш хизматларини таклиф қилиш ҳамда ариза берувчи томонидан қурилмаларни етказиб берувчиларни мустақил танлаш имкониятини берадиган электрон савдо майдони;

**қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқарилган энергияни ҳисоблаш** — ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва ваколатли органларга ҳисбот бериш учун ҚТЭМдан ишлаб чиқарилган энергиянинг ҳақиқий миқдорини тегишли замонавий ҳисоблаш приборлари ва ҳисоблагичлар кўрсаткичлари асосида қайд қилиш ва ҳисоблаш тизими;

**махсус ваколатли давлат органи** — қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги;

**ягона маълумотлар базаси** — ҚТЭМ қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини автоматлаштирилган тарзда юритиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг ягона маълумотлар базаси.

## **II. ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**4.** Шахсий эҳтиёжлар учун кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ҳолда иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарилганда **рухсат берувчи ҳужжатлар олиш талаб этилмайди**.

Таъкидлаш лозимки, биомассадан биогаз ишлаб чиқаришда газдан фойдаланиш хавфсизлигига ва санитария талабларига риоя этилиши ҳамда қурилмалар яқинида истиқомат қилувчи фуқаролар розилиги олиниши керак.

Кичик қувватдаги қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқариш фаолияти лицензияланмайди.

**5.** Электр энергияси ишлаб чиқарувчилар **блок-станциялар шартлари** ҳамда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг **максимал қиймати кўрсатилган ҳолда танлов асосида** ягона электр энергетикаси тизимига уланиши мумкин.

**6.** Қурилмаларни ягона электр энергетика тизимиға улаш тасдиқланган регламент асосида амалга оширилади (<https://lex.uz/docs/4432298>). Бунда қурилмалардан фойдаланувчилар техник тартибга солиш талабларига риоя этишлари лозим.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

Электр энергияси ишлаб чиқарувчилар қурилмаларини ягона электр энергетикаси тизимиға ўзбошимчалик билан улаш тақиқланади.

Иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчиларга қурилмаларини ҳудудий ва магистрал иссиқлик тармоқларига, шунингдек, биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчиларга қурилмаларини ҳудудий ва магистрал газ тармоқларига улаш тақиқланади.

**7.** Амалдаги электр тармоқларини реконструкция қилиш ва (ёки) кенгайтириш учун зарур бўлган, қурилмаларини улаш билан боғлиқ харажатларни уларнинг эгаси томонидан, ягона электр энергетикаси тизимиға уланиш нуқтасигача бўлган харажатларни эса энергияни ишлаб чиқарувчи амалга оширади.

**8. Локал электр, иссиқлик, газ тармоғини барпо этиш ва қурилмаларини унга улаш қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр ва иссиқлик энергияси ҳамда биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчиларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

**9.** Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларини қайта тикланувчи энергия манбаларидан электр ва иссиқлик энергияси ҳамда биомассадан биогаз ишлаб чиқарувчиларнинг локал электр, иссиқлик ва газ тармоғига улаш **шартнома шартлари асосида** амалга оширилади.

**10.** Тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан хорижий инвесторларга мазкур манбалар орқали ишлаб чиқарган электр энергиясини давлат органига ва (ёки) ҳудудий электр тармоқларига ўрнатилган тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўғридан-тўғри тузилган, шу жумладан узоқ муддатли шартномалар асосида сотишга;

бошқа шахсларга тегишли объектларда ижара хуқуқи асосида қурилмаларини ўрнатиб, ушбу қурилмаларда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишга рухсат берилади.

### **III. ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ ҲИСОБИ**

**11.** Қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш энергия ишлаб чиқарувчининг **идентификация рақами** ва муайян вақт давомида қайта тикланувчи энергия манбаларидан ишлаб чиқариладиган **энергия тўғрисидаги маълумотлардан** иборат бўлади.

**12.** Энергия ишлаб чиқарувчилар **идентификация рақамини олиш учун** ягона маълумотлар базасига қўйидагиларга доир маълумотларни юборади:

- реквизитлари (жойлашган манзили), жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш (почта) манзили;
- фойдаланилдиган қайта тикланувчи энергия манбасининг тури, энергия ишлаб чиқариш қувватларининг жойлашуви ва улар эгаллаган майдони;
- қурилмаларни ишлаб чиқарувчиси, ишлаб чиқарган давлат ва ишлаб чиқарилган санаси, энергия ишлаб чиқарувчи асосий қурилмаларнинг тури ва қуввати, мувофиқлик сертификати мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисидаги маълумотлар;
- ишга тушириш санаси.

**13.** Юқоридаги маълумотлар ўзгарган тақдирда 30 кун мобайнида махсус ваколатли давлат органига тегишли ўзгарган маълумотларни илова қилган ҳолда идентификация рақами бўйича тузатишлар киритилиши юзасидан ягона маълумотлар базасида қўшимча ариза тўлдиради ва ушбу ариза махсус ваколатли давлат органи томонидан икки иш куни мобайнида кўриб чиқилиб, индентификация рақами бўйича тегишли ўзгартишлар киритилади.

Юқоридаги маълумотларни энергия ишлаб чиқарувчилар томонидан тўлиқ тўлдирилмаганлиги индентификация рақамини тақдим этмаслик учун асос бўлиб ҳисобланади ва бундай ҳолатларда индентификация рақамини олиш учун

киритилган ариза ягона маълумотлар базасида автоматлаштирилган тартибда қабул қилинмайди.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

Энергия ишлаб чиқарувчиларга идентификация рақамини тақдим этиш, улар томонидан ягона маълумотлар базаси орқали *online* ариза тўлақонли тўлдирилгандан сўнг махсус ваколатли давлат органи томонидан икки иш қуни давомида **бепул амалга оширилади**.

**14.** Ҳар бир энергия ишлаб чиқарувчи унга махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим этилган идентификация рақами бўйича **ҳар чоракда электрон тарзда** ишлаб чиқарилган ва (ёки) етказиб берилган энергия микдори тўғрисидаги маълумотларни ягона маълумотлар базасига киритиб боради (мазкур банддаги вазифа автоматлаштирилади).

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

Махсус ваколатли давлат органининг қўрсатмасига асосан ишлаб чиқарилган энергияни ҳисобга олишининг тегишли ҳисоблаш приборлари ва ҳисоблагичларининг қўрсаткичлари ҳар чоракда бир марта «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан кўрикдан ўтказилиши мумкин.

**15.** Энергия ишлаб чиқарувчилар қурилмаларидан фойдаланишни ва (ёки) уларда энергия ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтатса ёки улардан воз кечса, бу ҳақида ягона маълумотлар базаси орқали махсус ваколатли давлат органини ариза билан хабардор қиласи ҳамда уларнинг индентификация рақами бекор қилинади.

#### **IV. ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ**

**16.** Қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчилар қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган) ўрнатганлик учун мол-мулк солиғини тўлашдан ҳамда ушбу қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер

солиғини тұлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга озод этилади.

**17.** Энергия етказиб берувчи ташкилот томонидан берилган амалдаги энергетика ресурслари тармоқларидан түлиқ узиб қўйилган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотнома асосида яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар уч **йил муддатга ер солиғидан озод этилади** ҳамда эгалигидаги мол-мулкка қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланилган ойдан эътиборан уч **йил муддатга жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи** солинмайди.

**18.** Умумий қуввати 100 кВт гача бўлган қурилмаларни ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича **мол-мулк солиғи**, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича **ер солиғи** ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган **фойда солиғини** тұлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч **йил муддатга**, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса — ўн йил муддатга озод этилади.

**19.** Қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан **беш йил муддатга** солиқнинг барча турларини тұлашдан озод этилади.

**20.** Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини түлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган жисмоний шахсларга харид харажатларига қуйидаги компенсациялар Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси томонидан тақдим этилади:

**Қуёш ёки шамол электр  
станциясини ўрнатганлик учун**

Т/р	Ўрнатилган қувват	Компенсация миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорида)
1.	<b>0,5 кВт дан 1 кВт гача</b>	<b>7 баробар</b>
2.	<b>1 кВт дан 1,5 кВт гача</b>	<b>10 баробар</b>
3.	<b>1,5 кВт дан 2 кВт гача</b>	<b>15 баробар</b>
4.	<b>2 кВт ва ундан юқори</b>	<b>20 баробар</b>
5.	<b>5 кВт ва ундан юқори*</b>	<b>50 баробар</b>

### Қуёш сув иситиш қурилмаларини ўрнатгандик учун

Т/р	Ўрнатилган қувват	Компенсация миқдори (базавий ҳисоблаш миқдорида)
1.	Сув иситиш ҳажми <b>100 литр</b> (ёки сув иситиш учун кунлик 4 кВт/соат энергия ишлаб чиқарувчи қайта тикланувчи энергия манбалари курилмаси)	<b>5 баробар</b>
2.	Сув иситиш ҳажми <b>200 литр</b> (ёки сув иситиш учун кунлик 8 кВт/соат энергия ишлаб чиқарувчи қайта тикланувчи энергия манбалари курилмаси)	<b>7 баробар</b>

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланадиган параметрлар доирасида қўйидагилар:

а) энергия самарадор газ-горелкали қурилмаларни сотиб олиш харажатларига — 200 минг сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсациялар тақдим этилади;

б) жисмоний ва юридик шахсларга қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилишга тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга қўйидаги компенсацияларни тақдим этиш:

жисмоний шахсларга — 500 миллион сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 8 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда;

юридик шахсларга — 5 миллиард сўмдан ошмайдиган кредитлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошган қисмида, бироқ 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган миқдорда молиялаштирилади.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

*Шолицилик, ғаллачилик, доривор ўсимликлар кластерларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилганларга юқоридаги имтиёзлар тақдим этилади.*

**21.** Ягона электр энергетика тизимига уланиш учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қурилмаларни электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

**22.** Қурилмаларни ўрнатган тадбиркорлик субъектлари томонидан ой давомида ягона электр энергетика тизимига узатилган ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмининг ҳисоби юритилаётганда «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан **электр энергиясини сақлаб бериш хизмати** учун ҳақ олинмайди.

## **VI. ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАРИНИНГ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ЎЗ МАБЛАГИ ЁКИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАРИ ҲИСОБИДАН СОТИБ ОЛИШ ВА ЎРНАТИШ УЧУН ХАРАЖАТЛАРНИНГ БИР ҚИСМИНИ КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШ**

**23.** Қурилмани ўрнатиш учун аризалар онлайн тарзда Ягона электрон платформа орқали ариза берувчи мустақил равишида ёки ишлаб чиқарувчилар кўмаги билан ва/ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Давлат хизматлари маркази орқали тақдим этилади.

Мувофиқлик мезонлари асосида скоринг баҳолаш автоматлаштирилган ҳолда бир кун муддатда амалга оширилади ва натижаси бўйича мувофиқлик мезонларига тўғри келганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ариза берувчининг телефонига SMS-хабар юборилади.

Шунингдек, аризани кўриб чиқиши учун ишлаб чиқарувчига электрон маълумот келиб тушади.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

Күйидаги ҳолларда ариза берувчининг аризаси Платформа томонидан скоринг баҳолаш маълумотлари асосида автоматик равишда рад этилади:

ариза берувчининг Платформада кўриб чиқиш жараёнида олдин берилган аризаси мавжуд бўлганда;

18 ёшга тўлмаган ёки 60 ёшдан (аёллар 55 ёш) ошган фуқаро номидан ариза берилганда;

ариза берувчининг банк кредитлари бўйича 30 кун муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлганда;

салбий кредит тарихига эга бўлганда;

ариза берувчининг солиқ органлари, мажбурий ижро бюроси органлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд бўлганда.

**24.** Беш иш куни ичида жойига чиқсан ҳолда қурилмани ўрнатиш мумкинлиги ўрганилади.

Ўрганиш натижасига кўра тавсиянома ёки рад этиш тўғрисидаги хулоса тайёрланиб, Платформага жойлаштирилади.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

Күйидаги ҳолларда тавсияномалар берилмайди:

қурилмани ўрнатиш учун шарт-шароит мавжуд бўлмагандан;

қурилма ўрнатилаётган фойдаланишдаги томорқа ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг эгалик ҳуқуқи ариза берувчига тегишли бўлмагандан;

қонунчиликка зид бўлган бошқа ҳолатлар аниқланганда.

**25.** Тавсияномага асосан ариза мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, томонлар ўртасидаги ўрнатилган қурилмалар харажатларининг бир қисми учун компенсация ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шартномаси Платформада автоматик тарзда тайёрланади ва тасдиқлаш учун ариза берувчининг телефонига SMS-хабар юборилади.

**26.** Маркетплейсдан қурилмалар танланади. Ишлаб чиқарувчи ўртасида электрон олди-сотди шартномаси автоматик тарзда расмийлаштирилиб, SMS-хабар орқали юборилган код ёрдамида имзоланади.

**27.** Электрон шартномага мувофиқ қурилмалар ариза берувчига етказилиб, ўрнатиб берилади. Ўрнатилган қурилмалар бўйича ҳужжатлар Платформа орқали Жамғармага тақдим этилади.

**28.** Платформада жойлаштирилган ҳужжатларга асосан ўрнатилган қурилмалар бўйича маркетплейсда кўрсатилган

талабларга мослиги текширилиб, электрон маълумотнома расмийлаштирилади ва Платформага жойлаштирилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаси ишлаб чиқарувчи шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларда номутаносиблик, хато ва камчилик аниқланганда, ўрнатилган қурилмалар харажатларининг бир қисми учун компенсация ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича харажатлари ишлаб чиқарувчи тўлиқ қоплаб берилиши рад этилади ва ишлаб чиқарувчи бу ҳақида Платформа орқали хабардор қилинади.

**29.** Қайта тикланувчи энергия манбаси ишлаб чиқарувчи шахсга ўрнатилган қурилмалар харажатларининг бир қисми учун компенсация ёки бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича ўрнатилган қурилмалар харажатлари тўлиқ қоплаш бўйича мурожаати ижобий хулоса берилган электрон маълумотга асосан унинг ҳисобрақамига ўтказиб берилади.

## **VII. ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИННИГ ЭҲТИЁЖДАН ОРТИҚЧА ҚИСМИНИ СОТИШ**

**30.** Қуйида келтирилган талаблар қуввати 1 МВт гача бўлган қуёш, шамол ва биогаз электр станцияларида ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотиш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

*Электр энергияси ишлаб чиқарувчиси ўз эҳтиёжидан ортиқча қисмини*

- икки томонлама — ишлаб чиқарувчи билан «Худудий электр тармоқлари» АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини сотиб олиш функцияси (ваколати) берилган орган ўртасида тузиладиган солиширма далолатномани расмийлаштириш орқали эҳтиёждан ортган энергия миқдори аниқланади ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан кафолатланган тарзда олди-сотди шартномаси асосида;
- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга ўз электр тармоқлари орқали олди-сотди шартномаси асосида сотиши мумкин.

**31.** Электр энергиясини ишлаб чиқарувчининг ўз электр тармоқлари мавжуд бўлмаган ҳолатларда «Худудий электр

тармоқлари» АЖ тармоғидан транзит хизматлари учун түловларни амалга оширган ҳолда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга етказиб берилади.

**32.** Ишлаб чиқарувчи ўз эҳтиёжидан ортиқча бўлган электр энергиясини сотиш бўйича электр энергиясини сотиб олевчига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда таклиф юборади:

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмасининг техник тавсифи;

курилмани электр тармоқларига улаш схемасининг нусхаси; ойлар кесимида бир йил давомида электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг прогноз йиллик ҳажмлари;

ишлаб чиқарувчи томонидан имзоланган электр энергияси олди-сотди шартномаси.

**33.** Электр энергиясини сотиб олевчи мурожаат келиб тушган санадан бошлаб **10 иш куни** мобайнида электр энергиясини ишлаб чиқарувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни техник ва иқтисодий жиҳатдан ўрганиб чиққанидан сўнг томонлар ўртасида электр энергияси олди-сотди шартномаси имзоланади.

**34.** Ишлаб чиқарувчи ва сотиб олевчи Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ электр энергиясини узатиш ва истеъмолини ҳисобга олиш ускунаси **АСКУЭ тизимиға** мос (прибор)ларини ўрнатади.

**35.** Истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимиға узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун белгиланган тарифнинг 80 фоизи миқдорида **«Худудий электр тармоқлари» АЖ томонидан** кейинги ойнинг 25-санасига қадар тўлаб берилади.

**36.** «Қуёшли хонадон» дастури доирасида жисмоний шахсларга тегишли обьектларда ўрнатилган қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимиға узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига Давлат бюджетидан **«Soliq» мобиль иловаси** орқали 1000 сўмдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар субсидия ажратилади.

**37.** Электр энергиясини сотиб олуучи ишлаб чиқарувчига ҳисоб-китоб ойи учун ўз электр тармоғига қабул қилиб олган электр энергияси ҳажми учун шартномада ёки қонунчилик хужжатларида белгиланган тартиб ва тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

**38.** Ҳисоб-китоб ойида ишлаб чиқарувчи томонидан сотиб олуучига етказиб берилган электр энергияси ҳажми сотиб олуучи томонидан шу давр мобайнида қабул қилиб олинган электр энергияси ҳажмида **фарқлар вужудга келган** тақдирда, ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилган электр энергиясининг миқдори томонлар ўртасида имзоланадиган **кўрсаткичларни солиштириш далолатномаси** асосида аниқланади.

**Қайта тикланадиган энергия манбаларидан  
фойдаланиш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик  
хужжатлари**

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси**
- 2. Ўзбекистон Республикасининг “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎРҚ-539-сон Қонуни**
- 3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-57-сон қарори**
- 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сон қарори**
- 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сон қарори**
- 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 апрелдаги “Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-220-сон қарори**
- 7. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги “Шолициикни барқарор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 986-сон қарори**

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги “Аҳолининг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмаларини харид қилиш харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаган ҳолда сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 568-сон қарори

---

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги “Бошоқли дон етиширишда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 806-сон қарори

---

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 14 июнданги “Жисмоний шахслар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган электр энергиясининг эҳтиёждан ортиқча қисмини сотиш тартибини белгилаш тўғрисида”ги 247-сон қарори

---

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 июлдаги “Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг ва улардан ишлаб чиқариладиган энергиянинг давлат ҳисобини юритиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 452-сон қарори

---

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги “Электр энергияси, шу жумладан, энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электроэнергетика тизимига улаш регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 610-сон қарори